Ушбу сонда:
2 КАСАБА УЮШМАЛАРИ - МЕҲНАТКАШЛАР ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА
3 *Ҳуқуқий маслаҳатхона* ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР
4 *Ёз - ўтмоқда соз* ТАБИАТНИНГ СЎЛИМ ҚУЧОҒИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 5 июл, чоршанба №96 (928)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХЎЖАЙЛИ МАҲСУЛОТИ - ХОРИЖГА

Хўжайли шаҳридаги шиша идишлари ишлаб чиқарувчи ҳиссадорлик жамияти корхонасида қайта таъмирлаш ишлари тугалланди. Бу ерда иккинчи линия ҳам ишга туширилди. Натижада йилига 4 миллион дона ҳар хил сиғимдаги шиша идишлар тайёрлаш имкони туғилди.

Ҳозирги пишиқчилик пайтида «Хўжайлишиша» тамғаси билан ишлаб чиқарилган харидоргир идишлар мамлакатимиздан ташқари Россия, Тожикистон ва Қирғизистондаги истеъмолчиларга ҳам жўнатилмоқда.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июл куни Оқсарой қароргоҳида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) кенгаши президенти Асад Котайтни қабул қилди.



ИКАО 1944 йилда халқаро ҳаво алоқаларининг хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, бу борада давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. Ҳозир унга дунёнинг 185 мамлакати, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзодир. Мамлакатимиз 1992 йилдан буён ИКАО доирасидаги тадбирларда фаол қатнашиб келаётир. Ҳукуматимиз қарори билан 1993 йилда ИКАО ишлари бўйича давлат комиссияси тузилган. Ўзбекистонда авиация соҳасини ривожлантириш, бу борада ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш ва авиация қатнови хавфсизлигини таъминлашда ИКАО билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари билан ИКАО кенгаши президенти ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда истиқболда ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борасида фикр алмашилди.

(ЎзА).

Тошкентдаги МҲСК спорт мажмуида ўтказилган эркин кураш бўйича Ўзбекистон ва АҚШ полвонлари ўртасидаги халқаро ўртоқлик учрашуви қизғин беллашувларга бой бўлди. 54 килограмм вазн тоифасида гиламга биринчи бўлиб чиққан ҳамюртимиз Баҳром Эрматов рақиби - америкалик Александр Шонни ҳеч қандай қийинчиликсиз енгиб, ҳисобда ўзбекистонликларни олдинга олиб чиқди.

ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Рақибларидан маҳорат жиҳатидан устун эканликларини яққол намойиш этган Жаҳонгир Абдураҳмонов, Тўлқин Баҳромов, Икром Омонов, Алибек Пардақулов ва Руслан Утегенов ҳам ўз мухлисларига ғалаба ҳадя этишди. Америкалик полвонларга омад икки мартагина кулиб боқди: 130 ва 63 килограмм вазн тоифаларида иштирок этган Жейк Гибсон ҳамда Тони Вит ўз рақиблари - ўзбекистонлик Жамил Зоиров ва Улуғбек Назаровни мағлубиятга учратиб, ғолибликни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

- Кучли ўзбекистонлик полвонлар майдонга чиққан ўртоқлик учрашувида иштирок этганимдан бахтиёрман, - дейди Тони Вит. - Ўзбек полвонлари билан беллашув нималарга қодир эканимизни синаб кўриш имконини берди. Ҳар йили «Гран при» туркумидаги бешта энг яхши халқаро турнирлардан бири - эркин кураш бўйича «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» учун мусобақалар ўтказиладиган Тошкентни кўрганимдан, айниқса беҳад мамнунман. Мамлакатларимиз полвонлари ўртасидаги бундай учрашувлар анъанага айланиб қолишини истайман.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш кучли фуқаролик жамияти барпо этиш шартларидан бири ҳисобланиб, кўп жиҳатдан ҳокимият вакиллик органлари саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Наманганда шу мавзуга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Йиғилишда сўзга чиққанлар жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва улар ҳузурида тузилган доимий комиссиялар фаоллик кўрсатиши лозимлигини таъкидлашди. Комиссиялар таркибида ишловчи депутатлар сессиялар кун тартибига энг долзарб ва муҳим масалаларни киритиш ташаббускорлари бўлиши лозим.

Йиғилишда иштирок этган Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов ўз маърузасида халқ депутатларининг демократик ҳуқуқий давлат қуришдаги ўрни тўғрисида гапирди. Депутатларга кенг ваколатлар, хусусан раҳбар ходимлар, жумладан ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи берилгани алоҳида қайд этилди. Демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳам ўрни катта. Аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оддий фуқароларни демократик фуқаролик жамияти қуришга кенгроқ жалб этишга қаратилган ўзгаришлар айнан улар фаолиятида ўз аксини топади.

Семинарда иштирок этган халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг доимий комиссиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Н.ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

ОНА САЛОМАТЛИГИ - МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ ГАРОВИ

Тошкентда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва саломатликни тиклаш соҳасидаги ислоҳотлар тарғиботини қўллаб-қувватлаш» мавзуида семинар ўтказилди. Мазкур тадбир Республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан Юнеско ва БМТнинг аҳолишунослик масалалари бўйича жамғармаси ёрдамида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти, вазирлик ва идоралар, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда жамғармалар, олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.

Семинарни очишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олишга доир профилактика тадбирларини ўтказиш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини қайд этди. Зеро, оналар саломатлиги миллат келажагининг гаровидир. Соғлом авлод - соғлом ота-она, соғлом бола, соғлом инсонлар демакдир. Бу соҳада самарали натижаларга эришиш учун энг аввало аҳоли ўртасида тиббий тарғибот ишларини амалга ошириш лозим. Семинарда бу борада оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Семинарда саломатликни тиклашнинг асосий тамойиллари ва бу борада халқаро миқёсда қўлга киритилган сўнгги ютуқлар каби масалалар муҳокама қилинди. Бу хусусда Голландиядаги «Роджерс Консалтингс» эксперти Дороти Брейкен берган ахборот кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонлик мутахассислар эса республикамизда аҳоли саломатлигини тиклаш муаммолари, хусусан туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлиги масалалари тўғрисида маълумот беришди.

Шуни қайд этиш зарурки, мазкур анжуман арафасида юқоридаги мавзуга бағишланган олти кунлик семинар ўтказилган эди. Унда ўқитувчилар, шифокорлар, «Камолот» жамғармасининг вилоят бўлимлари, маҳалла аёллар қўмиталари, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри «Тадбиркор аёл» уюшмаси вакиллари иштирок этди.

Семинарда иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида тренинг, баҳс, турли тест сўровлари, ишбилармонлик ўйинлари ўтказилди, саломатликни тиклашни қўллаб-қувватлаш ва тарғибот қилиш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Анжуман иштирокчилари, мазкур лойиҳа шартлари бўйича, бу йўналишдаги ишларни давом эттириб, ўз ташкилотларида, маҳалла, қишлоқ, туман аҳолиси ўртасида кичик семинарлар ўтказади. Шу нарсани англаб етиш керакки, саломатликни тиклаш бу фақат мазкур жараёнда фориғ этилган касалликларнинг мавжуд эмаслигини англатмайди. Саломатликни тиклаш - бу том маънода жисмоний, маънавий соғломлик ва ижтимоий фаровонлик демакдир.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан таклифлар билдирилиб, аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зуҳра УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ИНСОН ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Жанубий Оролбўйи ҳудудида ўсимлик мойи, айниқса пахта ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 3 та корхона — Беруний, Чимбой ва Хўжайли шаҳарларидаги заводлар мана, бир неча йилдирки, аҳолининг ана шу ғоят зарур маҳсулотга бўлган талабини қондириш йўлида иш олиб бормоқда. Улардан бири — «Хўжайлимой» ҳиссадорлик жамияти эса кўп йиллик тажриба ва анъаналарга бой корхонадир. Жамият аъзолари шу кун нафаси билан яшаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этишяпти.

Бу борадаги олиб борилаётган юмушлар тўғрисида батафсилроқ таассуротларга эга бўлиш мақсадида яқинда шу корхонада бўлиб, унинг бошлиғи, Қорақалпоғистон республикаси Жуқорғи Кенгеси депутати Матниёз Рейимбоев билан суҳбатлашдик.

— Албатта, истеъмолчиларга сифатли ва арзонроқ маҳсулот етказиб бериш, корхона қувватини тўла ишга тушириб, кўплаб фойда олиш — бизнинг олдимизга қўйган асосий вазифамиз ҳисобланади. Акс ҳолда бозор муносабатларига ўтиш даврида сафдан чиқиб, истеъмолчилар эътиборидан тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Бунинг учун аниқ режалар асосида талайгина юмушларни бажаришга улгурдик. Ишни корхонада реконструкция ишларини амалга оширишдан бошладик. Бу олинган соф фойда ҳисобига бажарилди. Негаки, Россияда ишлаб чиқарилган МП-21 русумли presслар бутунлай ишдан чиққан эди. Уларнинг ўрнига янгиларини сотиб олиш эса жуда кўп маблағ талаб қилади. Масалан, Германияда ишлаб чиқарилган ана шундай пресснинг биттаси ўртача 150 минг АҚШ долларини талаб қилади. Бизга эса бундай преcслардан 12 таси керак. Уларнинг барчасини алмаштириш учун эса 1 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги харажат зарур. Бундай маблағни топишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Мутахассисларимиз билан обдон маслаҳатлашиб, бошқа йўлни танладик. Мамлакатимизнинг турдош корхоналарида фойдаланилмаётган ва Германияда ишлаб чиқарилган ЕТП-20 русумли прессларнинг рамаларини йиғдик. Улар учун энг зарур эҳтиёт қисм эса редуктор ҳисобланади. Редукторларни шу преcслардан ечиб олиб, мамлакатимиздаги мавжуд редукторлар билан алмаштирдик. Натижада модернизация қилиниб, бир типдаги ЕТП-20 прессларга эга бўлдик. Шу боис, бунинг самараси кўзга яққол ташланди, 1998 йилни 76 миллион сўм соф фойда билан якунланди.

- Маълумки, корхонанинг мўътадил, бир маромда ишлаши учун хом ашё таъминоти йўлга қўйилган бўлиши шарт. Ҳеч кимга сир эмас, Қорақалпоғистонда, шу жумладан Хўжайли туманида кейинги 6-7 йил мобайнида пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режаси у ёки бу сабабларга кўра барбод бўлмоқда. Демак, чигит етарли миқдорда қайта ишлаш корхонасига етказиб берилмайди. Хўш, ана шу муаммоларни вақтида ҳал қилиш учун нималарга эътибор бериляпти, қандай амалий ишлар бажарилмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам нафақат бизнинг корхона, турдош Беруний «Ёғгар», «Чимбоймой» ҳиссадорлик жамиятлари ҳам хом ашё етишмаслиги сабабли тўла қувват билан ишламаяпти. Юз берган мушкул вазиятни ўнглаш учун тадбиркорлик, ишбилармонлик зарур. Корхонанинг узлуксиз ишлаши учун хомашёни ўзимиз етиштиришга қарор қилдик. Тумандаги Ш.Рашидов номидаги деҳқон-фермер хўжалигимизнинг экин майдонини 2 минг гектарга етказдик. Нукус туманидаги зарар ҳисобига ишлаб келган «Дарсан» хўжалигини ҳомийлигимизга олдик. Хўжаликдаги 2 минг гектарга экилган кунгабоқар ўсимлиги об-тобида парвариш қилинмоқда. Демак, кунгабоқардан олинадиган мой корхонанинг хомашёга бўлган талабини бир мунча қондиради. Шунингдек, ёрдамчи хўжалигимизда 750 бош қорамол парвариш қилинаётир. Бу ерда 450 гектар ерга пахта етиштирилади. Бахтга қарши, сув танқис бўлаётганлиги сабабли режадаги 750 гектарга мўлжалланган шоли экишни тўла туғаллай олмадик. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, хориж билан алоқа қилмайдиган ишбилармон ва тадбиркорнинг фаолиятида кескин ривожланиш бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Шунинг учун ҳам корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш мақсадида дўст Ҳиндистон давлати тадбиркорлари билан шартнома имзоладик. Унга биноан чет эл сармояси олиб келтирилади. Насиб қилса, бу шартнома тўла амалга оширилиб, мамлакатимиз иқтисодий куч-қувватини оширишда баҳоли қудрат ҳисса қўшамиз.

— Ҳар бир корхонанинг, жамоанинг ютуғи бу ерда меҳнат қилаётганларни ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилиш, ишлаш ва яшаш учун етарли шароитлар яратиб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борадаги амалга оширилаётган ишлар, режалар тўғрисида ҳам тўхталсангиз?

— Қўшимча маҳсулот етиштириш, шундай қилиб, кўпроқ соф фойда кўриш ҳисобига ҳар бир жамоа аъзосининг ўз меҳнатидан баҳраманд бўлиши, уларнинг турмуш даражаси яхшиланиши, яхшигина иш ҳақи олишига эришишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жамоамиз аъзолари болалари учун 140 ўринли типовой боғча ишлаб турибди. Шинам ошхона, ҳаммом ишчиларимиз хизматида. Яна бир қувонарли воқеа, яқинда 60 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдик. Бу маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қувватлардан тўла фойдаланиш билан бир қаторда, корхонада ишловчиларнинг ижтимоий шарт-шароитларини яхшилашга сарфланади. Энг муҳими, ҳар бир ишловчи ўз меҳнатидан манфаатдор, улар иш ҳақларини ўз вақтида олиб турибди ҳамда ойлик муттасил ортиб бормоқда. Ҳиссадорлар шуни жуда яхши биладики, корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, иқтисодий барқарорлик асосан уларга боғлиқ. Чунки, ҳар бир ҳиссадор мулк эгаси, демак ҳар бир мулкдордан масъулият, ўзи ишлаётган корхона обрўси учун курашиш, ҳар бир ишга — «Бу менинг корхонам-менинг оиламнинг тўқ-фаровонлиги манбаи», — деган ақидага амал қилган ҳолда ёндашиши талаб қилинади. Бу оддий ҳақиқатга ҳар куни амал қилинаётганлиги боис ҳам корхонамиз юз берган баъзи муаммоларни ҳал қилишга муваффақ бўлаяпти.

Суҳбатдошлар: Генжебай ТЛЕОВ, журналист,
Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

НУРЧИЛАР МАОШИ КЕЧИКМОҚДА...

улар айб ўзларида эканини тушунишмаяти

Сурхондарё электр тармоқлари корхонасининг Бандихон туман бўлими иши аввалги йилларда дуруст эди.

Бироқ филиал директори Қурбон Қўшоқов, мутахассислар ишни ўз ҳолига ташлаб қўйишгани, изланиш, жонкуярлик йўқлиги сабабли имкониятлар бой берилди.

Айрим мисолларни келтирайлик. Филиалнинг 47 миллион сўмлик дебиторлик, 7 миллион сўмлик кредиторлик қарзи бор. Нега қарз бунчалик кўп?

Сабаби шундаки, филиал раҳбарлари пулини тўлашмаса ҳам давлат ҳисобидан ҳотамтойлик қилиб электр энергиясини аҳолига ва ташкилотларга бепул етказиб беришни одат қилиб олишган.

— Уч-тўрт ойдан бери ишчиларимиз маош олмаяпти, — деди Қурбон Қўшоқов бамайлихотир. — Бу ташвишли аҳволдан қутилиш чораларини топа олмаяпмиз.

Салкам 40 нафар киши ишлайдиган бу ташкилотда масъулият бўшаштириб юборилган. Шу боисдан электр энергияси тарқатилишини назорат қилиш бўлими катта инспектори яқинда алмаштирилди.

Бўлмасам назоратчилар етарли. Аммо нима учундир улар ташкилот ва хонадонларга тез-тез бормайдилар. Электр энергияси ҳақи тўланиши устидан етарли назорат қилмайдилар. Айрим хонадонлар электр ҳақини кўп ойлардан буён тўлашмаган. Биз филиал директори ва бош инспектор билан биргаликда текшириш ўтказганимизда айрим ошхоналарда 300 киловатт электр энергияси сарфлангани ҳолда ҳақ тўланмаганлигини кўрдик.

Ташкилот касаба уюшма қўмитаси ҳам талаб даражасида фаолият кўрсата олмаяпти. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит етарли, деб бўлмайди. Айрим кишилар узоқ хўжаликлардан яёв қатнаб ишлашга мажбур бўлмоқдалар.

— Бензин фондимизни ололмаяпмиз. Шу сабабли сизнинг машинангиздан фойдаланиб турайлик, — деди бошлиқ. — Битта УАЗ машинамиз бор. Аммо ёнилғи йўқлиги сабабли узоқда жойлашган хўжалик ҳамда хонадонларда электр энергиясидан фойдаланишнинг аҳволини текшириб бўлмаяпти.

Бу ҳам майли, сув билан ҳаводек зарур бўлган диспетчерлик пунктида телефон алоқаси йўқлиги таажжубга солади, кишини.

Бозор имиллашни кечирмайди. Нурчилар иш ўрнига баҳона излаб, айбни бир-бирларига тўнкаб юришса, маош муаммоси ҳал бўлиши қийин.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

Биз узоқ йиллар инсоннинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини инкор этиб, уни қандайдир мавҳум тушунчалар соясида қолдириб келдик. Холбуки, олам қиёфасини, дунё йўналишини ўзгартириб юборган қанчадан-қанча шахсларни биламиз. Ишлаб чиқариш бошқарувида ҳам шундай тадбиркор раҳбар ақли-идроки ва ташкилотчилиги билан ноз-неъмат яратувчиларни эзгу мақсадлар томон йўналтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу нарсани биз Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОР

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — МЕҲНАТКАШЛАР ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

МИРИШКОР НИМАДАН ХУРСАНД?

Шўрбулоқ адирликларидан кўз ташласангиз, туманнинг ярми кўринади, деган гап юради бу ерда. Биз ҳам хўжалик бошқаруви идорасидан ўтиб Катта Наманган канали бўйлаб чапга ўрмалаган дала йўлидан юқориларканмиз, беихтиёр ортимизга нигоҳ ташладик. Ҳамма нарса худди кафтда тургандек. Туман марказининг кенг ва равон кўчалари, ям-яшил дарахтлар, хилма-хил гуллар яшнаб турган истироҳат боғи ҳамда сайлгоҳлар, кўкка бўй чўзган муҳташам бинолар эътиборингизни тортади. Хув, нарида, борингки, чор-атрофингизда гиламдек ёйилган кўз етмас пахтазор майдонлар, экинзорлар... Ва бир неча кунгина олдин ўримдан бўшаган ғалла майдонлари...

Қандайдир ўй-фикрлар оғушига чўмган хўжалик бошқарувининг раиси Турдиали Жумабоев кафтини пешонасига соябон қилганича қаёқларгадир тикилади. Ким билади, хаёлида нималар чарх ураётганикин? Идорада эшитганларимиз ёдга тушади.

— Адирлик майдонларидан ҳам ғалла учун ер ажратганмиз, - деганди ўшанда бош иқтисодчи Жакбарали Тўйчибоев. - Шу ният билан 585 гектар ерни 110 та пудратчига бўлиб берганмиз.

— Ғаллага шунчалик катта аҳамият берган фидойиларни биринчи учратишим, - кулади бош ҳосилот Раҳимжон Деҳқонов. - Ишонасизми, ҳар қарич ғалла майдони ҳисобда, десам ишонаверинг. Раис гоҳ машинада, гоҳ отда, гоҳ пиёда кезгани-кезган. Қайси майдонни ўтоқ қилиш ёки суғориш талаб этиляпти, ён дафтарчасига ёзиб юради. Йўқса, бир йил ичида дон қарийб 600 тоннага кўпаярмиди! Яна денг, ёғингарчилик кам бўлган шароитда! Бу йил илк бор ғалла майдонларига «шарбат» оқизилди.

Дарҳақиқат, 2800 тонна ғалла йиғиштириб олишнинг ўзи бўлмайди. Ҳосилдорлик гектар бошига деярлик 50 центнерданни ташкил этди ва йиллик режа биринчилар қаторида бажарилди. Пудратчилардан Олтинбой Жамилов 3 гектар майдондан 71 центнердан хирмон кўтаришга эришди. Алишер Умаров эса 7 гектар ердан 77 центнердан арпа ҳосили олди. Шунингдек, Камолиддин Эргашев, Неъмат Ҳамдамов, Каримжон Қодиров каби пудратчилар ҳам ҳосилдорлик кўрсаткичини 61-68 центнерданга етказишга муваффақ бўлдилар.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли. Қарангки, хўжалик шу соҳанинг ўзидангина 70 миллион сўм даромад кўрди. Ҳозирдаёқ 20-30 миллион сўм пул келиб тушди ғазнага.

Қолаверса, ялпи етиштирган ғалланинг 1225 тоннасини давлатга топширилиб, ундан ортгани хўжалик ихтиёрида қоляпти. Шундан 500 тоннасини ширкат аъзоларига меҳнат ҳақлари ўрнида тарқатилади. 150 тоннаси уруғликка ажратилади.

ТОПГАНЛАРИ ТЎЙГА БУЮРДИ

Адирликларнинг қуйи қисмигача чўзилган йўлдан борарканмиз, аллақачон белга етиб улгурган ғўзаларга ҳавас билан боқамиз. Хўжалик марказидан уч-тўрт чақирим узоқлашгач, қуюқ дарахтлар бағридаги сўлим шийпон эътиборимизни тортди ва Сотволди Ҳайитов раҳбарлигидаги ушбу бригадада тўхтадик. Бригадир ҳаётнинг анча паст-баландини кўрганлиги шундоқ сезилиб турарди.

Ғўзанинг фақат бўйига қараб баҳолаган одам ютқазади. Кўсак ва шиғашиға гул ва шоналардан маржон таққанлиги эса ҳосил мўл-кўл етилаётганлигидан дарак беради.

- Бу йил 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ёки бултургига нисбатан 5 центнердан кўп пахта етиштиришга бел боғлаганмиз, - дейди Сотиболди ишонч билан. - «С-65х24» навидан деҳқончилик қиляпмиз. Ҳали бажарадиган ишларимиз кўп. Шунинг учун баъзан шийпонда ётиб ишлашимизга тўғри келяпти.

Дарвоқе, ҳолва дегани билан оғиз чучимайди. Фақат мажбурият олишлик билан иш битармиди!

— Сувчиларимиздан Ботир Маматов, Абдулбоқи Тиллабоев, механизаторимиз Одилбой Исоқовлар, хуллас, ҳаммаҳаммамизнинг ҳаракатимиз кўпроқ ҳосил тўплашга, уни тўла-тўкис сақлаб қолишга қаратилган, - сўзида давом этади бригадир. - Лекин кўсак қурти ва ўргимчаккана деган бало бир мунча қийнаб турибди...

Бригадир билан суҳбатлашарканмиз, пайкалдан қўлларига банка ушлаган ёш-яланглар чиқиб келишди.

— Булар «ҳосил душмани»га қарши курашувчи «жангчи»ларимиз, - кулиб таништирди бригада ҳисобчиси Умаржон Дадабоев. - Улар гул, шона ва кўсакларда пайдо бўлган ёввойи ҳашаротларни териш билан шуғулланишяпти.

— Биз ёлғиз шу чора билангина кифояланиб қолмаяпмиз, - ҳисобчининг айтганларига қўшилди бригадир С.Ҳайитов. - Учқўрғондаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган «қармоқ»дан ҳам келтирдик. Бунда қурт уруғи елимга ёпиштирилиб, осиб қўйилади. Унинг ҳидига учиб келган капалак елимдан ўлим топади. Шунингдек, бошқа усуллардан ҳам фойдаланяпмиз.

«Бошқа усул»ни раис Турдиали Жумабоев гапириб берди. Муҳими, бу янгилик ҳам аслида биологик усул бўлиб, далалаги жониворларга зиён етказмайди. У Наманган биофабрикасида тайёрланаётир. Ҳозирча олимлар томонидан кўсак қуртига қарши энг самарали, деб топилган бу усулда гиобрабрагин тухумдан чиқариб далаларга қўйиб юборилади. У эса кўсак қуртини топиб озиқланади. Хўжалик пахта далаларида учиб юрган 52 мингдан зиёд бу фойдали ҳашарот деҳқон юкини енгиллаштирмоқда. Бундан ташқари, Аҳмаджон Сиддиқов, Валижон Қодировлар бошқараётган «УДЕН»дар ҳам ғўза зараркунандаларига қарши самарали ишлатилмоқда. Далаларни айлансангиз, яна бир ҳолатга кўзингиз тушади. Деярли ҳар бир дала бошида «шарбат чуқурлари» мавжуд.

— Қатъий талаб шундай, - изоҳ беради бош агроном Раҳимжон Деҳқонов. - Ўтган йилнинг кеч куз кунларидан бошлаб шу мақсад учун 10-15 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Шу кунларда ва август ойларининг ўрталаригача «шарбат» оқизишни давом эттирамиз. Сув сезиларли камчил бўлган туманимиз шароитида бу усулнинг нафи катта бўляпти. Негаки, «шарбат» етиб борган жойлар тез чанқамайди, тупроқ усти гўнг билан қопланиб намликни узоқроқ ушлайди. Қолаверса, ўсимлик бақувват, сершох, серҳосил бўлиб ривожланади.

Амалдаги йилда хўжалик 800 гектар майдонда пахта етиштираётир. Мақсад - ҳар гектар ер ҳисобига камида 30 центнердан ҳосил етиштириш. Шу кунларда 200 нафардан ортиқ сувчи, 34 нафар механизатор, ўнлаб марди-майдон эркак, аёл ана шу эзгу ният йўлида меҳнат қиляпти. Ёқубжон Усмонов, Сотиболди Ҳайитов, Рустам Давлатов, Шарифбой Қурбонов, Ҳабибулло Умаров сингари омилкор деҳқонлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 40-45 центнерданга етказишга бел боғлаганлар. Умуман, бу йил барча соҳадан 300 миллион сўм даромад олиш мўлжалланмоқда.

Суратда: илғор механизатор Жамолиддин Эргашев. Ўттиз йилдирки, ўз касбини ардоқлаб келади. Кўплаб шогирдларнинг устози.

Суратда: «Эркин» нақлиёт автокорхонаси бош муҳандиси Қодиржон Мирабдуллаев Ёқубжон Усмонов бошлиқ бригада аъзолари ўртасида тарғибот ишлари олиб боряпти.

Аҳмадулло СОЛИЕВ олган суратлар.

МЕҲР ҚУМГА ҚУЙИЛГАН СУВ ЭМАС — ҚАЙТАДИ

Шу йилнинг баҳор ойларида вилоят миқёсида ўтказилган йиғилишда мавжуд соғин сигир бошига маҳсулот олишда Навоий номли жамоа хўжалигида юқори натижаларга эришаётганлиги тилга олинди. Сир эмаски, кейинги йилларда кўп жойларда сут етиштириш борасида оқсаш сезилмоқда. Беихтиёр савол туғилади. Бу ютуққа қай тариқа эришилмоқда?

Шубҳасиз, чорва ҳайвони ҳам ғамхўрликни, эътиборни талаб қилади. Айни пайтда хўжаликда 1,5 минг бош йирик ва майда шохли ҳайвон парвариш қилиняпти. Уларни боқиш, муҳими, бош сонини камайтирмасдан, ҳар турли бало-ю офатларга олдирмасдан сақлаб туришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Қолаверса, халқимизда молнинг сути тилида, молга берсанг соз емиш, сени боқар ёзу қиш, деган ҳикматлар бор ва бу бехудага эмас. Меҳр қумга қуйилган сув эмас, албатта қайтади. Зеро, оддий молбоқардан зоотехниккача буни яхши билади.

Гапнинг очиғи, ўтган йилги қиш мавсумида етарли ем-ҳашак жамғарилмаганлиги сезилиб қолди. Ҳатто, қўшнилардан қарз олишга ёки харид қилишга ҳам тўғри келди. Бу йил юз берган ана шу хатоликнинг бошқа такрорланмаслиги чоралари кўриляпти. Шу мақсадда 164 гектар ерда беда, 37 гектар ерда силос учун, 25 гектар майдонда эса дон учун маккажўхори етиштирилмоқда. Шунингдек, 20 гектар ерда бир йиллик ўт ўстирилаётир. Яна 20 гектар майдонда силос учун макка-беда, кунгабоқар аралашмаси экилди. Ҳозирдаёқ маълум бўляптики, бу усул силос жамғаришда энг самарали экан. Тахминларга кўра гектаридан 500 центнергача кўк масса олиш мумкин. Мўлжал — бу йил камида 4 минг тонна силос бостириш. Бундан ташқари, 500 тонна дағал ҳашак, 500 тонна сенаж, яна шунча миқдорда қизилча, 200 тонна беда пичани жамғариш.

Хуллас, режани ортиғи билан бажариш учун барча шарт-шароитлар етарли. 700 тонна сут, 85 тонна гўшт тайёрлаш юзасидан белгиланган режа сўзсиз бажарилади, дейди ким билан суҳбатлашманг.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Зайниддин РИХСИЕВ.

ЭЛ СУЙГАН КИШИЛАР

Ҳар йили қанчадан-қанча пахта, неча минг тонналаб ғалла ва бошқа кўплаб сабзавот, боғдорчилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштирамиз. Хўш, улар кимлар ва нима учун? Ўзимиз учун, ҳамюртларимиз учун?

Тўғри, бир замонлар ҳам «Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун» деган баландпарвоз шиорлар бўларди. Лекин амалда унинг исботини кам кўрганмиз. Қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатлар билан етиштирган пахтамиз сувтекинга сотилиб кетган. Боғларимизда битган сархил мевалар вагонларга юкланиб, олисларга юборилган. Энди-чи? Шукрки, улар авваламбор ўз дастурхонимизни безамоқда, рўзғоримиз бут бўлишига хизмат қилмоқда.

Бугун далаларни айланиб, хуш кайфият билан меҳнат қилаётган кишиларни кўриб дилингиз яйрайди. Дала шийпонлари ишловчиларнинг чинакам иккинчи уйига айланган. Ҳамма нарса муҳайё. Яқинда вилоят миқёсида бу ерда семинар ўтказилди. Меҳмонлар жами 24 та шийпонимизда юзага келтирилган шарт-шароитдан мамнунлик изҳор этдилар. Бир қувондик, бир фахрландик! Дарвоқе, ҳар бир шийпон қошида бригада томорқаси вужудга келтирилган, шунингдек товуқхона, бир неча мол-хол сақлаш учун жой ҳозирлаб қўйилган. Далада ишлаётганларнинг тушлигини тотли қилаётган, кучига-куч қўшаётган ҳам аслида шулар. Энг муҳими, мўл-кўл даромад одамлар турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётни янада фаровонлаштиришга хизмат қилмоқда.

Хўжалик ҳудудининг икки жойида ёзги ва қишки клублар, ҳаммом, шифохона, соғломлаштириш тармоқлари, қатор савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Жами 120 ўринли иккита боғча ишлаб турибди. Жажжилар ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом вояга етишлари учун қўлдан келган барча ишларни қиляпмиз. Мева-чева, сабзавот, гўшт, сут, тухум каби зарур маҳсулотлар таъминотини ўз зиммамизга олганмиз.

Куни кеча хўжалигимиз оталиғидаги 6-мактабни таъмирдан чиқариш учун салкам бир миллион сўм ажратилди. Янги ўқув йилида аълочи ва жамоат ишларида ўзини кўрсатган ўқувчиларга хўжалик стипендиясини жорий этиш ниятидамиз.

Яқин-яқингача мавжуд тўртта қишлоқнинг биттаси - Кесканёрга газ етиб бормаганлиги учун кўп дакки эшитишимизга тўғри келарди. Ниҳоят таъналардан қутиладиган бўлдик, кузга қадар бу қишлоқ аҳли ҳам «зангори олов» хизматидан баҳраманд этиладиган бўлдилар. Шунингдек, одамларни ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун Норин дарёсига уланган Учқўрғон-Наманган тоза сув тармоғига хўжалигимиз шохобчасини улаш ниҳояланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига ишлаш ва яшаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида касаба уюшмалари хўжалик маъмурияти билан бақамти ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Чунончи, бугунги саъй-ҳаракатларимиз икки ўртада тузилган жамоа шартномасида ўз аксини топган бўлиб, унинг бажарилиши юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Натижада кейинги пайтларда ҳеч ким иш ҳақини вақтида ололмаганлигидан нолиб, касаба уюшмасига арз қилиб келгани йўқ.

Энг муҳими, хўжаликда муҳит яхшиланиб бормоқда. Қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтмайдилар. Турмуш яхшилангани сари - меҳнат унумдорлиги ҳам юксалиб, даромадимиз ортгани сайин қўлимиз ҳам узун бўлиб бормоқда. Яъни, мўл-кўлчилик бахт-саодатга элтмоқда. Ахир, касаба уюшмаларининг бош мақсади ҳам шу эмасми!

Ўғилхон МАМАТВАЛИЕВА,
хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси.

БУНДАЙ ЮРТДА ЯШАШ КАТТА БАХТ

Ҳар тонг дуога қўл очаман: «Илоё, Мустақиллигимизга кўз тегмасин. Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин. Бола-чақамизнинг роҳатини кўрайлик...»

Инсон зоти борки, яхши яшасам, дунё саодатига эришсам, дея орзу қилади. Таассуфки, бизнинг ёшлигимиз кўп кўнгил хираликлар билан кечди. Ҳали у, ҳали бу баҳоналар, важкарсонлар билан не-не улуғларимизни бадном қилдилар, одамларни қўрқув ва эртанги кунга ишончсизлик остида ушлашга ҳаракат қилдилар.

Мана бугун мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни кўриб беихтиёр Яратганга шукроналар айтаман. Узоққа бориб нима қилдим, ўз хонадоним ва ўзим яшаб турган хўжаликни бундан ўн йил илгариги ҳолат билан қиёслаб бўлмай қолди. Чиндан ҳам ишлаган барака топадиган замон келди. Қанчалар кулгили бўлса-да, айтишга мажбурман: илгари одамлар тўйини ҳам ҳадик билан ўтказишарди, ишқилиб чақув тушмасин-да, деб. Бугун бир хонадонда ўнта машина бўлса ҳам бировнинг иши йўқ. Нари борса, қандини урсин, деб қўя қолади.

Атроф-теваракка қараб, жунбушга келиб баъзан ёшим бир жойга бориб қолганини ҳам унутиб қўяман. Шунда фарзандларим Махмуджон, Рустамжон, Иброҳим, Алишер ва Абдулложонлар етти қават кўрпачани кўрсатиб, энди сиз дам олинг, замона роҳатини кўринг, деб тўрга ўтказиб қўйишади. Барака топишсин, бари меҳнаткаш: бири механизатор, бири ҳайдовчи, бири тадбиркор, бири сувчи, яна бири электр пайвандчи. Келинларим, набираларимни айтмайсизми, бири-биридан меҳрибон.

Зерикишга вақт йўқ. Гоҳо у, гоҳо бу тадбир сабаб бўлиб биз кексаларни йўқлаб туришади, турли байрамларда ҳурматимизни жойига қўйишади. Инсон омили деган гапларнинг маъносига энди-энди тушуниб етяпмиз назаримда. Эшитишимча, яқин уч-тўрт ой ичида ижтимоий ҳимоя мақсадларига хўжалик томонидан саккиз юз минг сўмдан зиёд маблағ сарфланибди. «Гулшан» ва «Чортоқ» сиҳатгоҳларига берилган йўлланмаларнинг ўзи 350 минг сўмни ташкил қилганини айтсам, хўжалик маъмурияти ва касаба уюшмалари ҳамкорликда ишлаб, меҳнаткашга қанчалар қайишаётганини билиб олаверасиз.

Эгамнинг «берганга бераман» деган ваъдаси бор. Ўйлаб туриб ўзимча хулоса қиламан: Юртбошимиз, ҳукуматимиз халққа қайишаётганлари учун ҳам мамлакатимиз тобора гуллабяшнамоқда, яқин ва узоқ қўшнилар наздида обрў-эътибор қозонмоқда. Бундай юртда яшаш ва фарзанд ўстириш ҳам катта бахтдир.

Ўтамбой ИЗБОСАРОВ,
меҳнат фахрийси.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА





ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР

Ҳурматли таҳририят!

«Ишонч» газетасининг «Ҳуқуқий маслаҳатхона»си бизга кўп нарса бераяпти. Тажрибали мутахассисларнинг мақолаларини ўқиб, сиёсий билимимизни ошириб бораяпмиз. Илтимос, ўн саккизга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар хусусида батафсилроқ тушунча берсангиз.

Озода АКРОМОВА, Хусниддин АСОМОВ,
Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳри.

Бу масала ҳозирги кунда кўпчилик ёшларни қизиқтираётгани табиий. Батафсил маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 239—247-моддаларидан олиш мумкин. Хусусан, 239-моддада таъкидланганидек, белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт.

Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланади ва бундай рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда).

Ўн саккиз ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши керак.

240-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

241-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди.

242-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

243-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ тўлаш

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади.

Корхоналарда ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланади.

244-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили бериш

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Башарти таътил берилаётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилнинг муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажи учун — ўттиз календарь кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса, — умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

245-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

246-модда. Меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қўшимча кафолатлари

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

247-модда. Меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар (ҳомийлар) ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилиш

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

Шарҳловчи минбари

КУН ТАРТИБИДА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР

Яқинда Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ижтимоий муаммоларга бағишланган навбатдаги махсус сессияси бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари бир ҳафта давомида шу кунгача мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини сарҳисоб қилди ҳамда истиқболдаги режаларни белгилаб олди.

Тараққиёт суръати ошиб бораётган ҳозирги пайтда ривожланган давлатлар учун ҳозир ижтимоий масалалар ҳақида гапириш бироз эриш туюлиши мумкин. Аммо одамларнинг турмуш тарзи ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Бир неча ўн йил олдинги шароитда яшаётганлар ёки фан-техника ютуқларидан умуман бебаҳра қолаётганлар кўп. Чунончи, айрим мамлакатлар учун ижтимоий муаммолар ҳали долзарблигича қоляпти. Ҳатто озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси ечим топмаган давлатлар қанча. Европа ва АҚШда одамлар ортиқча вазнини йўқ қилолмай боши қотаётган бўлса, қашшоқ давлатларда фуқароларнинг катта қисми бир бурда нонга зор. Шу жиҳатдан Женева сессияси муҳим аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин.

Анжуман қатнашчилари ижтимоий муаммолар гирдобида қолган мамлакатларнинг шундай аҳволга тушишида бевосита ривожланган давлатларни айблади. Ғарб бу борадаги мажбуриятларини, халқаро анжуманларда берган ваъдаларини бажараётгани йўқ.

Бундан беш йил муқаддам Копенгагенда ижтимоий тараққиёт масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтган эди. Ўшанда ривожланган давлатлар раҳбарлари 2015 йилга қадар дунёда қашшоқлар сонини ярим баробарга камайтириш, саноатни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари ташкил қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, қашшоқ мамлакатларга кўпроқ ёрдам ажратиш ва уларнинг қарзидан кечиш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олган эди. Бу борада декларация ва ҳаракат дастури ҳам қабул қилинганди. Аммо амалда шу кунгача кўзга кўрингулик иш қилингани йўқ. Аксинча, ўтган беш йил давомида қашшоқлар ва ишсизлар янада кўпайди. Ғарбнинг қашшоқ давлатларга кўрсатаётган ёрдами камаймоқда. Турли юқумли касалликлар билан оғриганлар ва бунинг оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганлар сони ортиб бормоқда.

Ўтган йили Кёльнда «Катта саккизлик» саммити бўлган ва унинг иштирокчилари қашшоқ давлатлар қарзининг юз миллиард АҚШ долларига тенг миқдоридан кечишга ваъда берган эди. Хабарларга қараганда, шу кунгача бу ваъда 15 фоизга бажарилган, холос. Фоизлар ҳисобига ўсиб кетаётган ташқи қарз эса айрим давлатларнинг янада қашшоқлашувига сабаб бўлаётир. Бу соғлиқни сақлаш тизимида молиявий қийинчиликларни юзага келтиряпти ва оқибатда дунё бўйича кунига йигирма мингга яқин бола нобуд бўлмоқда.

Ривожланган давлатларнинг ижтимоий масалаларга эътибори сусайганини Женева сессияси иштирокчилари даражасидан ҳам билиш мумкин. Галдаги анжуманда дунёнинг барча давлатларидан вакиллар қатнашган эса-да, иштирокчиларнинг атиги йигирмага яқинини олий даражадаги раҳбарлар ташкил қилди. Уларнинг аксарияти Африкадан келган. Копенгаген сессиясида эса 120га яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашган эди.

Тадбир якунида кўрилган масалалар юзасидан бир неча қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Копенгаген сессияси декларациясига қўшимча сифатида, ОИТСга қарши курашни янада фаоллаштириш ва 2005 йилга қадар ёшлар ўртасида ушбу касалликка чалинаётганлар сонини 25 фоиз қисқартириш, молиявий соҳадаги жиноятчиликка қарши ҳамкорликда чора кўриш, Африка давлатларининг дунё иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштириш, пулнинг қадрсизланиш даражасини камайтириш, аёлларнинг эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишини таъминлаш каби вазифалар белгилаб олинди.

Африкадан келган делегатлар халқаро анжуман муваффақиятли якун топганини таъкидлади. Улар Ғарб давлатларига яна бир бор мурожаат этиб, ваъдаларни бажаришни, камчиликларни бартараф қилишда яқиндан кўмак беришни сўради. БМТ Бош котиби Кофи Аннан қашшоқ мамлакатлар ташқи ёрдамсиз ўзини тиклай олмаслигини айтди ва бундай давлатлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилмай туриб, дунёвий тараққиёт ҳақида гапириш бефойда эканини таъкидлади.

Равшан
МАҲМУДОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ғалла — тўкин-сочинлигимиз манбаи. Уни нестнобуд ва талон-тарож бўлишига йўл қўймаслик барчанинг иши. Бу муҳим ишга ички ишлар ходимлари ва ёнғинга қарши кураш бўлимлари ҳам масъулият билан ёндошиб келмоқдалар.

Суратда: Нишон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари Йўлчи Кенжаев Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги далаларида ғаллакорлар билан ўзаро фикрлашмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

ПОСБОН ЖИНОЯТЧИНИ УШЛАДИ

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятнинг олдини олиш ва ҳатто жиноятни фош этишда маҳалла посбонларининг хизмати катта бўлаётир.

А.Икромов тумани, Навоий маҳалласида қотиллик содир бўлди. Бегуноҳ кишининг тўққиз жойига пичоқ урилиб, Германияда ишлаб чиқарилган «Гурундик» телевизори ўғирлаб кетилди.

Навоий маҳалла посбонлари сардори Равшан Зайниддинов жиноятчи изига тушди. Гумондор шахсларни ўрганиш, суриштирув ва тергов жараёнлари натижасида сардор Р.Зайниддинов телевизор ўғриси, қотилнинг уйигача кириб борди. «Гурундик»даги қон излари ишга ойдинлик киритди.

Қотил С.Сурин туман ички ишлар бўлимига топширилди. Жиноятни фош этгани ва жамоат тартибини сақлашдаги намунали хизмати учун маҳалла посбонлари сардори туман ички ишлар бўлимининг рағбатлантирувчи мукофоти билан тақдирланди.

ФЕРМЕР

манфаати нега чекланмоқда?

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Қаерда қонун четлаб ўтилса, ўша ерда адолатсизлик юзага келади. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўрса бўлади. Қамаши туманида Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни асосида 126 та фермер хўжалиги, 1 та деҳқон хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Ана шу хўжаликларга алоқадор ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда таҳлил этилганида қонун талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги, муҳим ишда жиддий хато, камчиликларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди.

«Фарғона» жамоа-ширкат хўжалиги ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун «Ҳурмат» фермер хўжалигига 5 гектар суғориладиган майдонни 10 йил муддатга ижарага бериш тўғрисида туман ҳокими қарор қабул қилган. Унга кўра ҳокимият таркибидаги комиссия ҳам ўз хулосасини чиқарган. Бироқ, негадир комиссия хулосасида қайд этилган фермерлар чорвачилик йўналиши бўйича фаолият юритишлари таъкидланган. Ҳоким қарорида эса «қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун» деб кўрсатилган. Ҳолбуки, қонун бандларида тадбиркорлик йўлида қилинадиган ҳар бир иш йўналишидан келиб чиқиб, унинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги тушунчалар алоҳида, аниқ-равшан қайд этилган. Мисол учун, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга жазм этган фермер хўжалиги камида 30 бош шартли моли бўлган тақдирда ташкил этилиши назарда тутилган. Аммо юқорида келтирилган мисолда на ҳоким қарорида, на комиссия хулосасида бу ҳақда ҳеч гап йўқ.

Таҳлил шуни кўрсатадики, тумандаги баъзи раҳбару мутахассисларнинг ўзлари қонунни яхши билмайдилар. Бу ижрони таъминлаш, тадбиркорлар мақсад-муаммоларини тушуниб етиш, уларни қўллаб-қувватлашда қатор камчиликлар юзага келишига сабабчи бўлмоқда. Худди шунинг учун ҳам «Ибодулла», «Соат», «Работ», «Мардона», «Тоғаймурод» каби ўнлаб деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари не умид билан бошлаган ишларини чала қолдириб, идорама-идора сарсон бўлиб юришибди.

Меҳнатга оид қонунлар ижросини таъминлашда ҳам кўнгил тўлмайдиган жойлар кўп. Қонун билмаган ҳар қадамда қоқилади, деб бежиз таъкидлашмайди. Очиғи, эътироф этиш лозим, баъзи етакчилар ўқиб-ўрганиш, лозим бўлганида ҳуқуқшунослар ёрдамига таяниш ўрнига «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритиб келмоқдалар. Оқибат-натижада ишловчилар ҳақ-ҳуқуқи чекланмоқда. Масалан, «Чим» қишлоқ хўжалиги кооператив-ширкат хўжалиги раҳбари ишловчи Э.Худойбердиевни ноҳақ ишдан бўшатган. Масала кўндаланг қўйилганида, қонун талаблари қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди. Боз устига меҳнат дафтарчаларини расмийлаштириш ҳам кўп ўринларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан. Фикримизча, жойларда ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, бунинг учун фойда берадиган ҳар қандай тажрибадан унумли фойдаланиш лозим. Ҳуқуқшуносларнинг меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, ўқув юртларида ўтказаётган суҳбатлари мақсадга эришишда муҳим рол ўйнаяпти.

И.НАСРИДДИНОВ,
Қамаши тумани прокурори,
биринчи даражали юрист.

СОХТА ДИПЛОМ ПАНД БЕРДИ

Навоийлик Жамила Пўлатова кунларнинг бирида туш кўрди. Қаранг, ҳеч қийналмай дипломли бўлган эмиш. Шу-шу унинг ороми йўқолди. Тушидагини ҳақиқатга айлантириш йўлларини излашга тушди.

Излаган имкон топади, деганларидек Ж.Пўлатовага ҳам бу борада «омад» кулиб боққандек бўлди. У хамирдан қил суғиргандек Навоий давлат педагогика институтининг дипломини қўлга киритди.

«Тадбиркор аёл» мазкур ўқув муассасасида ўқимаган бўлса-да, 1986 йилда кириб, 1991 йилда уни тугатганлиги тўғрисидаги сохта дипломни қўлга киритди.

Дипломни иккиланмай Навоий вилоят халқ таълими бошқармасига тақдим қилиб, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг 1998 йил 21 октябрдаги буйруғи билан «Меҳрибонлик уйи»га директор этиб тайинланди...

Аммо ҳаётнинг ўз тош-тарозуси бор. Уни шаҳар прокуратураси ходимлари жой-жойига қўйишди. Кўзбўямачилик билан «Меҳрибонлик уйи»нинг вақтинчалик «хўжайини»га айланган Ж.Пўлатова тузоққа илинди.

Энди ширин тушнинг давомини уйидан олисда — темир панжара орқасида кўрадиган бўлди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

НАЗОРАТ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Адлия вазирлиги ходимлари томонидан транш орқали хом ашёси етиштириш учун бериладиган 428 миллион 800 сўм аванс пуллари Қорақалпоғистон Республикаси «Пахтасаноатсотиш» акциядорлик бирлашмасига қарашли пахта заводлари ҳисоб рақамларида «музлаб» ётганлиги аниқланди.

— Назорат тартибидаги текширувимиздан сўнг Тўрткўл туманидаги пахта тозалаш заводи туман фермерларига 12 миллион 300 минг сўм ўтказиб бердилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, — деди Адлия вазирлиги назорат бўлими бошлиғи Соҳибжон Ҳотамов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шунингдек, Қорақалпоғистонда йирик корхоналар билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини бажариш борасида ҳам жиддий нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. «Нукуссут» акциядорлик жамияти контрактация шартномаси асосида мазкур республикадаги 9 та фермер хўжалигидан сут қабул қилиб олган. Завод 1999 йилда фермер хўжаликлари билан 1411 та шартнома тузиб, шулардан 360 тасинигина бажарган, холос.

Ҳозирги кунда 12 та фермер хўжалиги «Нукуссут» акциядорлик жамиятидан 3 миллион 839 минг 900 сўм пулини ололмай сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Фаолиятимиз давомида асосий эътиборни тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш, ишбилармон ва фермерларни қийнаётган муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этишга қаратмоқдамиз. Шу мақсадда хусусий мулк эгалари, тадбиркорлар иштирокида ўтаётган мулоқотларда уларнинг фаолияти билан алоқадор корхона, муассаса раҳбарлари иштирокини таъминлаяпмиз.

Ёз — ўтмоқда соз

ТАБИАТНИНГ СЎЛИМ ҚУЧОҒИДА

— Қани, сени ҳам бир кўриб қўяй-чи... Яхши, бу ери оғримаяптими ?

— Йўқ.

— Баракалла, соғлиғинг анча яхшиланди. Рангинг ҳам тоза.

Бу суҳбатдан сиз бирор бир шифохонага кириб қолдик, деб ўйлагандирсиз, ҳойнаҳой. Бир оз янглишдингиз, бу Фарғона туманининг Ёшларобод қишлоғидаги сўлим гўшада жойлашган «Фарғонаиркурилиш» трестига қарашли «Ирригатор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳаётидан бир лавҳа, холос.

Гепатит касаллиги билан оғриган болаларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга мўлжалланган ушбу оромгоҳда бугунги кунда вилоят болалар шифохонасининг олий тоифали реанимотологлари К.Тўраев ҳамда У. Тешабоевалар келажагимиз эгаларини ўз назоратларига олганлар, десак муболаға бўлмайди.

Нефтни қайта ишлаш корхонасининг «Нефтчи», Тўқимачилик корхонасининг «Лочин», Фарғона туманидаги «Ёрдон», Қува туманидаги «Орзу», Ўзбекистон туманидаги С.Раҳимов номли, Тошлоқ туманидаги «Оқ олтин» каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам болаларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу бежиз эмас. Соғлом авлод йилида болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш ва жисмоний ҳамда маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун ҳар йилгидан ҳам ўзгача тараддуд кўрилди. Мавжуд барча болалар оромгоҳлари вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, оталиқ корхона ва ташкилотлар, шунингдек, соғломлаштиришга масъул мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари билан фойдаланишга барвақт шай этиб қўйилди. Уларга тайинланган шифокорлар ҳар бир боланинг саломатлиги билан алоҳида қизиқиб, соғломлаштириш машқлари ва спорт ўйинларига жалб қилмоқда.

— Оромгоҳларнинг раҳбарлари ва оталиқ ташкилотлар, тарбиячилару етакчилар, тиббий ходимларнинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилишлари оромгоҳ фаолиятининг бош мезонидир, - деди биз билан суҳбатда касаба уюшмалари вилоят кенгашининг бош врачи Баҳромиддин Исмоилов. - Болалар оромгоҳда аксарият вақтларини тарбиячилар ва етакчилар билан бирга ўтказадилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда бу йил вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида болалар оромгоҳларида фаолият кўрсатувчи ходимлар учун махсус курслар ташкил этилди. Шунингдек, касаба уюшмалари вилоят кенгашида оромгоҳ бошлиқлари ва ҳисобчилари учун семинар-кенгаш ўтказилиб, янги тайинланган оромгоҳ раҳбарлари комиссия аъзолари томонидан аттестация қилиниб, тасдиқланди.

Ёш етакчилар, янги иш бошлаётган тарбиячилар назарий билимларини амалиётга қўллашларида ҳам шифокорлар билан ҳамкорлик ниҳоятда асқотади. Хусусан, болаларнинг об-ҳавога ва шароитга қараб кийинишлари, ётоқхона ва ўйингоҳлардаги гигиеник ҳолатни талаб даражасида сақлаш, шамоллаш ва офтоб уришларнинг олдини олиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

— Табиатнинг сўлим қучоғида мусаффо ҳаводан нафас олиш, спорт турлари билан шуғулланиш, сув ҳавзаларида чўмилиб, офтобда тобланиш лаззати болаларни чиниқтирибгина қолмай, йил давомида соғ-саломат бўлишларини таъминловчи манба ҳамдир, - дея суҳбатни давом эттирди Республика шошилинч тиббиёт илмий марказининг Фарғона филиали шошилинч педиатрия бўлими мудираси, олий тоифали болалар врачи Дилбар Қобилова. - Аммо, мавсумда айниқса болалар оромгоҳларида фаолият кўрсатаётган врачлар болажонларнинг чўмилиш ва қуёшдан баҳра олиш меъёрларини белгилаб бериши, спорт ва соғломлаштириш ўйинларида иштирок этувчи ҳар бир ўғил-қизнинг машқларни бажара олиш имкониятларидан келиб чиқиб тавсия беришлари катта аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, ҳар бир дам олувчининг эрталабки бадантарбия, очиқ ҳавода сайр қилиш, оромгоҳ озодалигини сақловчи тадбирларда иштирок этишини назардан қочирмаслик ҳам соғлом авлод тарбиясида ғоят аҳамиятли бўлиб, бу уларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатга лаёқатларини шакллантиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, санитария-гигиена қоидаларини тарғиб қилиш, гигиеник кўникмаларни амалга тадбиқ этиш, болалар учун соғлом муҳит яратиш, уларнинг феъл-атворидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлиш борасида ҳам педагоглар ҳамда шифокорлар ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишган. Шу боис ҳам оромгоҳ врачининг фаолият доираси кенг қамровлидир. Озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри сақлаш, овқат тайёрлаш ва барча соҳаларда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, таомнома ва сафарлар йўналишини тузишда иштирок этиш, оромгоҳ жойлашган ҳудуд яқинидаги тиббиёт муассасалари билан етарли алоқалар ўрнатиш, доимий мулоқотда бўлиб туриш тақазо этилади.

Сирасини айтганда, меҳнаткашлар фарзандларини ёзги таътил давомида соғломлаштириш, жисмонан бақувват ва маънавий етук авлодни камолга етказишдек масъулиятли ишда касаба уюшмалари, соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими тизими жонкуярларининг уюшқоқлик билан фаолият кўрсатишларига катта ишонч билдирилган.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Бу ҳаммани қизиқтиради

Инсоният неча-неча замонлардан буён ўзини қийнаётган биргина жумбоққа жавоб излайди: «Қандай яшаса киши узоқ умр кўриши мумкин?!» Еттинчи аср ўрталаридаёқ хитойлик машҳур врач Сунь Симяо саломатлик ва кўп яшаш формуласини ишлаб чиқди. «Шовқинли товушларни эшитманг. Бекорчи сўз айтманг. Ортиқча ҳаракат қилманг. Каллангизда ғўр, бўлмағул фикрларни олиб юрманг!» дея маслаҳат беради у.

УЗОҚ ЯШАШ СИРЛАРИ

«Ҳаёт бизга завқланиб яшаш учун берилади, - дейди Сунь Симяо. — Шундай экан, ўзини ортиқча зўриқтиришдан на фойда?! Ҳар бир оддий воқеадан ҳам безовта бўлавериш керакмас, ахир. Бу билан биз фақат қўшиқ айтиб, байрам қилинг, демоқчимасмиз. Ҳар бир нарса ўз ўрнида яхши. «Ҳаёт» деган сўзнинг асл маъноси хитой тилида «Ҳаракатсиз ҳаракат» деганидир! Демак, иш фаолиятингиз ва ҳаракат ҳолатингизни ўз вақтида ўзгартира билинг!»

Қандай қилиб буни амалга ошириш мумкин?

«Узоқ ўтириш танага зарар келтиради. Узоқ ётиш эса нафас олишни қийинлаштиради. Узоқ вақт тик туриш суякларга зиён етказади. Узоқ масофага пиёда юриш мускуллар ишини мушкуллаштиради» дейди қадимий хитойликлар. Киши қачон тўхташ, қачон дам олиш, қачон ҳаракатни секинлаштириш, доимий ритмни қандай сақлаш кераклигини билмоғи керак экан. Бу ҳақда XI аср олими Хуан Тинзянь шундай маслаҳат беради: «Тўйиб овқатланиб, чой ичганингиздан сўнг дам олинг. Кундузги ташвишлардан холи бўлгач, яна дам олинг. Ҳасадгўйликдан йироқ бўлиб, ўзингизни дилозорликдан тийишга улгурган бўлсангиз, дам олиш сизга янада роҳат келтиради!»

Ўтмишда Хитой донишмандлари инсоннинг ҳаёт йўли билан табиат фасллари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд деган фикрни исботлаганлар ва одам умрини тўртга бўлиб ўрганганлар. Болалик «ҳаётнинг баҳори»дир, яъни у баҳор каби беғубор, мусаффо. Шу боробарида бетиним ва серҳаракат ҳамдир. Киши болалик кезларида дунёга ҳассослик билан боқади, ўз ҳаётини тафтиш қилишни билмайди, аксинча воқеликни ташналик билан ўрганади. Бу даврда у тез ўсади, қувноқ яшайди ва худди баҳор фасли каби ўзгарувчан бўлади. Ёшлик эса «ҳаёт ёзи», айни пайтда у физиологик соғломлик даври ўз-ўзини бошқаришни ўрганиш, ахлоқий жиҳатдан вояга етиш, энг тоза, мукаммал ҳисларнинг уйғониши, нималарни билиши ҳақидаги заруратнинг пайдо бўлиши ҳамда ўз-ўзига «хўжайинлик» қилишга уриниш айни мана шу ёшлик фасли билан боғлиқдир.

Балоғат эса «ҳаётнинг кузи» дейишади донишмандлар ва бу пайтда одам ўз меҳнати ва изланишларининг самарасини кўра олади деб ҳисоблайдилар. Ўз зиммангдаги ишларни адоқлаб улгурдингми ё аксинча? Кўнгил билан ақл ўзаро мутаносибми? Атрофдаги одамлар билан тил топишишга қодирмисан? Мукамалликка интилишдек олий саодатга эришдингми? Балоғат фасли шундай саволларга жавоб излайди. Кексалик эса «Ҳаётнинг қиши» бўлиб, кўнгил софлиги диққатни бир жойга жалб этиш билан алмашиниб туради. Инсон бу кезда юксаклик чўққисига эриша олади. Шунингдек, айни пайтда у етарлича ҳордиқ чиқаришга эришмоғи ҳам зарур.

Хитой донишмандлари ҳар кишига меҳрибон ва соғлом бўлишни уқтирадилар. Ва шу билан бирга узоқ яшашга хизмат қилувчи ўн бешта маслаҳатни таъкидлаб ўтишади: «Юзни кўпроқ уқаланг. Сочни доимо тараш керак. Кўзлар муттасил ҳаракатда бўлсин. Қулоқлар доимо ҳушёр турсин. Юқори ва паст қатордаги тишлар бир-бирига тегиб туриши шарт. Оғизни ҳамма вақт ёпиб юринг. Оғизда ҳамиша сўлак бўлиши керак. Енгил нафас олишга ўрганинг. Юракни осойишта сақланг. Онгли равишда ҳаракат бошланг. Елкани тўғри тутинг. Қоринни кўпроқ силаб туринг. Кўкрак ботиқ бўлсин. Қисқа ва равон сўзланг. Терида мунтазам намлик бўлсин...» Хуллас, инсон ўзини идора қила олиши, ўз кучини, имкониятларини нималарга сарфлашни билиши жоиз экан. Демак, узоқ умр кўришнинг сири — тўғри яшашда деган фикр келиб чиқади, шундай эмасми? Ахир аждодларимиз ҳаётини олиб қаранг. Рост сўзлашган, доимий меҳнат қилишган. Маромида овқатланишган. Муҳими, камтарона яшашган! Буларнинг ҳаммасидан биз ўзимиз орзу қилганимиздек, узоқ яшашнинг йўл-йўриқларидир.

Г.ЖАМИЛОВА
тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА НАФИС САНЪАТ ЛИЦЕЙИ 2000-2001 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН РЕСПУБЛИКА МАКТАБЛАРИНИНГ 5-6-7-8-СИНФИНИ БИТИРГАН ИСТЕЪДОДЛИ ВА ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Лицейда қуйидаги бўлимлар мавжуд:
— Адабиёт ва сухандонлик; - 9-синф
— Тарих ва ҳуқуқшунослик; - 9-синф
— Санъатшунослик; - 8-синф
— Иқтисод ва инглиз тили; - 6-7-синф

Лицейда махсус фанлардан дарслар олийгоҳларнинг малакали педагоглари томонидан чуқурлаштириб берилади.

Лицейда ўқувчиларнинг илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, кутубхона, ўқув хоналари, замонавий ўқув видео, аудио, техник хоналари мавжуд. Лицейда қуйидаги тўгараклар; ўймакорлик, миниатюра, наққошлик, мусиқа асбоблари ясаш, расм ва фан тўгаракларии мавжуд.

Лицейга қобилиятли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Танлов 5 августдан 10 августгача ўтказилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилардан имтиҳонда қатнашиш учун 1 июлдан бошлаб, 2 та фотосурат (3х4), туғилганлик ҳақида гувоҳнома, мактабдан маълумотнома қабул қилинади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани «Ц» квартали, метронинг «Чилонзор» бекати.
Тел: 76-59-50, 76-59-00.

Тож талабгорлари

МАРШАЛЛ

Мамажон МУҲИТДИНОВ

«Менинг бутун ҳаётим шахматга бағишланган эди, — деб ёзганди умрининг охирларида Фрэнк Маршалл. — Мен ярим асрдан кўпроқ шахмат ўйнадим... ва ўша йилларда шахматга қанчалик ошиқ бўлган бўлсам, ушбу кунда ҳам худди шундай ошиқман. Бизнинг ажойиб ўйинимиз ўзининг кўп қирралиги-ю чексиз имкониятлари билан ана шундай мафтункордир. Шахмат мени ўзининг энг узоқ бурчакларига элтди, менга анча-мунча шуҳрат келтирди-ю, лекин озгинагина бойлик ато этди».

10 ёшида Маршалл шахмат ўйнай бошлаган назария устида кўп тер тўкди, буюк ватандоши П.Морфи ижодини синчиклаб ўрганди. 17 ёшидаёқ у Монреаль клубининг чемпиони бўлди, кейин худди шундай муваффақиятга Нью-Йоркда ҳам эришди. Лекин бу маҳорат йўлидаги дастлабки қадамлар эди, холос.

У пайтларда тан олиниш учун албатта Европа турнирларида синовдан ўтиш керак эди. Шунинг учун ёш шахматчи тажриба учун «Эски Дунё» шахмат усталарининг қошига йўл олди. Европадаги дастлабки ўйинлар Маршалл ҳар қандай даражадаги турнирларда энг юқори ўринлар учун жанг қилишга қодир эканлигини кўрсатди. Парижда у Г.Мароци билан 3-4 ўринларни бўлишиб олиб, фақат Ласкер билан Г.Пильсберини олдинга ўтказиб юборди.

Шахмат тарихида дастлабки муваффақиятлардан сўнг қатор омадсизликларга учраш ҳам кўп бор кузатилган. Маршаллда ҳам шундай бўлди. Навбатдаги турнирлар унга шуҳрат келтирмаган бўлса-да, лекин айрим партияларда унинг ёрқин комбинациявий истеъдоди намоён бўлди. У пайтларда ҳукм сурган позициявий услуб фонида бундай ўйин ўзига хос кашфиёт эди.





Американлик шахматчи комбинациявий манбаларни йўқ жойдан жуда моҳирлик билан топарди. Кўп шахматчилар унинг тузоқларига илинишган.

Яққол ифодаланган комбинациявий услубдаги шахматчи сифатида у баъзан меъёрни унутиб қўяр ва чиройли ғоялар уни жар ёқасига келтириб қўярди.

Муваффақиятсизликлар узоқ давом этмади. Маршалл Вена (1903), Монте-Карло (1904)даги турнирларда совринли ўринларни эгаллади, лекин унинг Кембриждаги ғалабаси (1904) айниқса зўр бўлди. У жаҳоннинг кўпгина энг кучли шахматчилари қатнашган бу мусобақани мағлубиятсиз тугаллабгина қолмай, балки Ласкер билан Янковскийдан 2 очко ўзиб кетди.

Ёш шахматчининг муваффақияти Америка қитъасида зўр мамнуният билан қарши олинди. Маршалл ҳақида шахмат тахтига бўлажак талабгор сифатида сўз юрита бошладилар, уни Морфининг муносиб вориси деб атадилар.

Европа шахмат аҳли ҳам бефарқ қараб турмади. Бироқ Кембриж-Спрингс турнири ғолибнинг ўйинини муносиб баҳолар экан. «Deutsche Schachzeitung» журнали, чунончи, Маршаллга жаҳон биринчилиги ҳақида ўйлашга ҳали эрта, деб ёзди. Бу баҳо бир йилдан сўнг Маршалл — Тарраш матчи пайтида бутунлай тасдиқланди: унда американлик шахматчи қақшатқич мағлубиятга учради -+1-8=8.

Американлик гроссмейстер 80 дан зиёд йирик турнирларда иштирок этди. У жами 30 та матч ўйнади.

Маршалл 27 йил мобайнида АҚШ чемпиони унвонини сақлаб турди, жаҳон олимпиадаларида ўз мамлакати спорт мавқеини муваффақиятли ҳимоялаб келди. У ўз ватани — Америка Қўшма Штатларида шахмат ривожи учун кўп иш қилди. Унинг ижоди американлик мастерларнинг бутун бир авлодига таъсир кўрсатди. Маршалл шахмат санъатининг ажойиб тарғиботчиси, бир қатор китобларнинг муаллифи эди.

Ф.Маршалл ажойиб тактик, кўплаб чиройли комбинацияларнинг ижодкори сифатида жаҳон шахмат тарихида ёрқин из қолдирди. У 1944 йил 9 ноябрда Нью-Йоркда вафот этди.

Мароқли машқлар
Иккала масалада ҳам оқлар бошлаб 3 юришда мот қилади.

Ўзига хос мўъжиза

ҚУЛОН

Ҳозир ҳам баъзи туркман отларида майин оқ чармдан ишланган юганни кўриш мумкин. Ҳатто, ана шундай ярқироқ ва юмшоқ чармдан этик тикиларди.

Бу буюмларга хом ашё бўлган нарса — Осиё дашту биёбонларида кезиб юрадиган ажойиб ҳайвон — қулон терисидир. Ўрта Осиё халқлари қулон гўштининг шифобахш хосияти ҳам бор дейишади. Унинг ёғи, кексаларнинг айтишларича, кафтда туриб эриб кетармиш.

Қулонга илгари овчилар жуда ўч эди. Шунинг учун Қозоғистон ва Туркманистон чўлларида қулон боласи қолмади. Улар фақат Тажан ва Мурғоб дарёлари оралиғидаги кенгликларда ҳар замонда учраб қолади.

Туркманистоннинг жануби-шарқида, Эрон ва Афғонистон чегарасига яқин Бадхиз деган ерда қулон ва бошқа ҳайвон зотлари сақланадиган қўриқхона ташкил этилган.

Қулонлар, бир қарашда, чопқир ҳайвонга ўхшамайди. Аксинча, уларнинг тўқ кул ранг туси, калта думи, оёғи ва миқти танаси сизга тепса-тебранмас танбал эшакни эслатади. Лекин уни от билан ҳам қувиб етиш қийин.

Бордию таъқиб қилувчи душмани, айтайлик, отлиқ овчи қувса, тўхтаб унга бир қарайди-да, ҳашлаш дегунча қорасини кўрсатмай кетади. Бу ҳайвон ҳеч дам олмай соатига 65-70 километр тезликда бемалол югуради. Ҳатто пойгачи отдан ҳам тез чопади.

Хилола
БОЛТАБОЕВА
тайёрлади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 22.30
Буюртма Г— 624.
1 2 3 4 5 6